

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.Каримов, З.Комилова

Сингуляр коэффициентли түрткінчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи..... 6

К.Каримов

Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентта эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар 11

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раймжонова

Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида..... 24

КИМЁ

М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов

М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш 28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Э.Исаков, Ш.Турдиев

Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили..... 33

Ф.Тухтасинов

Фаргона водийси жанубидаги сабзавот экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши 37

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев

Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви 42

Г.Faффарова, Б.Қодиров

Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув 47

М.Каримова

Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар 52

А.Музаффаров

Маданиятлардо муроҷӯт категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув 56

А.Қамбаров, Д.Тошлиев

Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир 60

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати..... 66

Ҳ.Холиқулова

Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари..... 71

О.Ахмадов

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш 75

УДК 165

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**СТРАТЕГИЯ ДЕЙСТВИЙ И СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД****STRATEGY OF ACTIVITY AND SYSTEMATICAL APPROACH****Г.Ғаффарова, Б.Қодиров****Аннотация**

Буғунги кунда республикамизда ҳам структуравий ўзгаришлар рўй бермоқда. Маълумки, структура тизимнинг элементлари ўртасидаги ўзаро боғланиш ва ўзаро таъсиirlарни ўзида акс эттиради. Шу сабабли структуранинг ўзгариши жамиятнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Ушбу мақолада ривожланишининг Ҳаракатлар стратегияси мураккаб тизим сифатида, яъни унинг элементлари орасидаги ўзаро мулоқот, боғланиш ва таъсиirlар тизимли маҳлил этилади.

Аннотация

Сегодня в республике происходят также и структурные изменения. Известно, что структура отражает взаимосвязь между элементами и взаимодействие систем. Таким образом, изменение в структуре приводит к изменениям в обществе. В статье описывается Стратегия действий как сложная система, проводится системный анализ взаимообщения, связи и влияния между ее элементами.

Annotation

The structural changes are going on in our Republic. A structure includes connection with elements and their inter-influence of the structure. That's why, changing the structure makes change the society. In the article, the strategy of activity of development as the whole system of intercommunication, links and relations between the elements is researched.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, давлат, тизим, Ҳаракатлар стратегияси, мулоқот, таъсиr, структуравий ўзгаришлар, тизимли ёндашув, элемент.

Ключевые слова и выражения: общество, государство, система, Стратегия действий, общение, влияние, структурные изменения, системный подход, элемент.

Keywords and expressions: society, state, system, Strategy of activity, communication, influence, structural changes, systematic approach, element.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли испоҳотлар натижасида мамлакатдаги ўзгаришлар халқимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг ифодасини топмоқда. Чунки, “замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” [3, 19-20]. Албатта, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз керак. Бу эса келажакда мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган демократик испоҳотларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш имконини беради. Шу сабабли ҳам 2020 йил юртимизда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” [5], деб

номланди. Ушбу йил дастурида ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича испоҳотлар давом эттирилади.

Хўш, тизимли ёндашув нима? Тизимли ёндашувнинг Ҳаракатлар стратегияси билан қандай боғлиқлиги бор?

Тизимли ёндашув XX асрда шаклланган. Тизимда элементларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро боғланиши натижасида бутунлик, яхлитлик пайдо бўлади. Тизим, тизимли ёндашув Л. Фон Берталанфи томонидан биологик жараёнларни тадқиқ қилиш натижасида шакллантирилган [6]. «Тизимни тафаккурга биринчилардан бўлиб биологлар киритган, улар тирик организмни бир бутун, яхлит деган нуқтаи назарга риоя қилишган» [7, 10]. Дарҳақиқат, тизимли ёндашув асосида олиб борилган тадқиқотлар мураккаб жараёнларни яхлитлигида, бутунлигига қуриш имкониятини беради.

Дарҳақиқат, тизим тушунчасини илмий муомалага австриялик биолог Л. фон Берталанфи, тизимли ёндашувни эса А.А.Богданов биринчи бўлиб киритган.

Г.Ғаффарова – ЎзМУ ОТ-Ф1-95 грант раҳбари, фалсафа фанлари доктори, доцент.

Б.Қодиров – ҚДПИ, тарих ўқитиши методикаси кафедраси ўқитуучиси.

Мазкур ёндашувнинг янада ривожланиши натижасида фалсафа ва фандаги мураккаб тизимларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, табиати ва кейинчалик синергетик асосларини ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Л. фон Берталанфининг умумий тизимлар назарияси ҳозирги замон мураккаб ва очиқ тизимларни ўрганувчи соҳаларнинг шаклланишида катта аҳамият касб этди. Бу эса турли мураккаб тизимлар моҳиятини чуқурроқ тушунишга асос бўлди, яъни «ҳатто юқори тизим ҳам ўзининг қисмларисиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас» [8,3,5].

XX аср 70-80 йиллари тизимли ёндашув ривожланиш босқичи ҳисобланади. Чунки ушбу босқичда тизимли ёндашув – умумилмий методологик йўналиш бўлиб, уни қуйидаги хорижий муаллифлар тадқиқотларида кўриш мумкин: Л. Фон Берталанфи, Ст. Бир, О. Ланг, У.Р.Эшби, А.Н.Аверьянова, В.Г. Афанасьева, И.В. Блауберг, Л.Б. Бажанова, Д.М. Гвишиан, Ю.Л. Егоров, В.П. Кузьмин, И.Б. Новик, Л.А. Петрушенко, В.С. Тюхтин, В.Н. Садовский, А.И. Уемова, А.Д. Урсул, Э.Г. Юдин ва бошқалар. Дарҳақиқат, ушбу даврда тизимли ёндашув доирасида кибернетика ва бошқа фанлар ютукларидан фойдаланиб, тизим сифатида объектларни ўрганиш воситасининг методологик, гносеологик ва ижтимоий-илмий тадқиқотлар ишлаб чиқилди.

XX асрнинг 80-90 йиллари, тизимли ёндашувни илмий-амалий қўллаш босқичи ҳисобланиб, унда синергетиканинг пайдо бўлиши – диссипатив тузилишларнинг ўзини ўзи ташкиллаштириш назариясининг тенг эмаслиги каби масалалар тадқиқ этилган. Синергетик ёндашув тизимли бўлинмас алоқада, бу алоқа тизимли синергетик ёндашув сифатида, ўз вақтида тизимли-кибернетик кўринишда юзага келган.

Тизимли-кибернетик ёндашув - бошқарув тамойилларира асосланган, ўз-ўзини ташкиллаштиришни тизим қисми сифатида тан олган ҳолда ўз-ўзини ташкиллаштириш тамойилларира асосланган, тенгсизлик, ночизиқли, «хаосдан тартиб» пайдо бўлиши, нобарқарорлик ва ноаниқликлар шароитларида ривожланиш йўлини танлашнинг навбатдаги тизимли-синергетик ёндашувига ўтишdir.

В.Садовский фикрича, “тизимли ёндашув – объектларни тизим ва уни ишлаб чиқиш имконияти (қобилияти) сифатида ифодалаш” [13,560]дир. Шундай қилиб, тизимли ёндашув – ижтимоий амалиёт ва илмий билиш методологиясидаги йўналиш бўлиб, унинг

асосида обьектларни тизим сифатида қараш ётади ҳамда манзаранинг ягона назарияси ҳақида маълумот ва унда алоқанинг кўплаб турлари таъсири ҳақида, нарсалар бутунлигини ошкор қилиши каби тадқиқотларга асосланади.

Тизимли ёндашув – биринчидан, турли тизим синфи ва турларини, яъни мураккаб тизим обьектларини конструкциялаш ва тадқиқот методларини ишлаб чиқиш вазифасидан иборат фандаги методологик йўналиш; иккинчидан, тизимга унинг қисмларини алоҳида эмас, балки бутун холича эътиборини қаратади [10,189]. Бироқ тизимли ёндашув умумилмий ва фанлараро, яъни ҳамма фан ютуклари интеграциясига асосланади, шу билан бирга амалий фаолият малакаси, айниқса, биринчи ўринда бошқарув ва ташкилотлар соҳасида намоён бўлади. Умуман олганда, тизимли ёндашувнинг асоси мураккаб обьектлар, уни чегарасини ҳамда унинг ички ва ташкиллашганлик асосида алоқалари мавжудлиги бутунлигига қабул қилишдир. Реал оламнинг барча тизимли обьектларида асосий қабул қилинган умумий тизим назарияси кенг тарқалган. Хусусан, фалсафада тизимли ёндашув тадқиқ этилаётган обьектларда бутунлик ғояси, мураккаб ташкиллашганлик асосида ётган оламга тизимли назарнинг шаклланишини билдиради.

Энди эса тизимли ёндашувни Ҳаракатлар стратегияси билан боғлаган ҳолда таҳлил этамиз. Маълумки, “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси” [2,7] да ҳам жамиятимиздаги структуравий ўзгаришлар янада давом этиши назарда тутилган. Чунки мазкур лойиҳа ўз ичига 2017 йилга мўлжалланган ўн битта йўналишни ўз ичига олади. Яъни, тизимнинг элементлари ўртасидаги ўзаро боғланишлар янада ортади.

Демак, фалсафий мушоҳада қилсак, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тизимлилик ғоясини ўзида акс эттиради. Маълумки, мураккабликни тушуниш асосида ўзаро боғлиқлик, тузилма, тизим тушунчалари ётади. Тизим, бу кўплаб ўзаро боғлиқ элементлардан иборат яхлитлиқдир. Тизим элементларининг бирортаси олиб ташланса, тизимда ўзгариш содир бўлади. Тизимнинг хатти-ҳаракати унинг структураси билан белгиланади. Тизим структурасининг ўзгариши тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Тизим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у элементларда мавжуд эмас [9, 20-21]. Бундан ташқари, тизим қуйидаги хусусиятларга эга: тизимнинг хатти-ҳаракатлари унинг

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

элементларининг хоссалари эмас, балки улар орасидаги ўзаро боғлиқликнинг композицияси, ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади. Масалан, углероднинг кристалл панжараларининг ҳолати унинг графит, олмос, карбин қўринишида бўлишига сабаб бўлади. Тизимнинг хусусиятлари яхлитликнинг хусусиятлари ҳисобланади, аммо тизим элементларининг эмас.

Тизим динамик мураккабликка эга бўлиб, тизимдаги элементларнинг турлича ҳолати ва ўзаро боғланишлари бунга сабабdir. Тизим элементлари орасидаги боғланишлари орқали барқарорликни сақлайди. Тизим ташки мухит билан тескари алоқада бўлади. Ҳар бир тизимда мақсад мавжуд бўлади. Бу мақсад оддийгина ўзини сақлаш, барқарорлигини сақлаш қўринишида ёки функционал иерархик юқорироқ тизимга хизмат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Жумладан, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқдалар. Шу маънода “2017 йил ҳалқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди” [3, 5]. Айниқса, бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига мурожаат қилган кўплаб одамларнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда ҳалқ ҳокимияти номига эмас, амалга жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Демак, юқорида айтилган давлат муассасалари жойларида ҳалқ қабулхоналарининг ёки давлат хизматлари порталларнинг ташкил этилиши давлат ва ҳалқ ўртасида икки томонлама алоқанинг намоён бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида давлат хизматининг яхши томонга ўзгаришини кафолатловчи механизmdir. Дарҳақиқат, ижобий (қайтувчи алоқа) алоқа – тизимнинг ривожланиш суръати ўсишининг, тизимнинг ўзгарувчи шароитларда мослашувининг асосини ташкил қиласди.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади-олиб борилаётган испоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатdir. Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг

қўйидаги бешта устувор йўналиши белгиланган: давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хўкуқ тизимини янада испоҳ қилиш; иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш [1,112]. Дарҳақиқат, ушбу йўналишлардаги ўзгаришлар бир бири билан ўзаро алоқада бўлишини ҳамда тизимлилик асосида испоҳотларни амалга ошириш имкониятини беради.

Айтиш керакки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид. Давлат дастури қабул қилинди. Бу эса давлат ва ҳалқ ўртасидаги алоқа, улар орасидаги муносабатни ўзгартиришни, яъни ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши зарурлигини билдиради. Шу билан бирга давлат ва жамият ўртасида доим ўзаро алоқа бўлишини тақозо этади.

Айниқса, 2017 йилнинг “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилиниши жамиятимиз структурасида ўзгаришларни мустаҳкамлашда мухим омилдир. Чунки жамиятимизни мураккаб тизим деб олсан, унинг элементлари бўлган инсон, давлат, жамият ўртасидаги ўзаро мулоқот, бу элементлар ўртасидаги мавжуд боғланиш ва таъсиirlарнинг янада мустаҳкамланишини таъминлайди. Дарҳақиқат, ўзаро мулоқот ўзаро боғланишларни янада мустаҳкамлаб, жамиятимиздаги фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро таъсир ва фаоллигини оширади.

Жумладан, ушбу йилнинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг янги механизми мисолида кўриш мумкин. Яъни, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2017 йилдан Ҳалқ қабулхоналарини ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қарорни амалга ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда Ҳалқ қабулхоналари ташкил этилди. Бундай қабулхоналарнинг очилиши давлат органларининг фуқаролар мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган

куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиш имконини беради. Дарҳақиқат, ушбу қабулхоналар одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур йил ўз моҳиятига кўра қайтувчи алоқа тамойилига асосланади. Яъни, давлат ва ҳалқ ўртасидаги алоқа улар орасидаги муносабатни англатади. Маълумки, ҳар қандай муносабат алоқадорлик бўла олмайди, фақат бирон-бир нарса ёки ҳодисанинг ўзгариши иккинчи бир нарса ва ҳодисанинг ўзгаришига таъсир қиласагина, у алоқа бўла олади. Демак, юкорида айтилган давлат муассасалари жойларда Ҳалқ қабулхоналарининг ёки давлат хизматлари порталларининг ташкил этилиши давлат ва ҳалқ ўртасида икки томонлама алоқанинг намоён бўлишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, давлат хизматининг яхши томонга ўзгаришини кафолатловчи механизmdir. Дарҳақиқат, ижобий (қайтувчи алоқа) алоқа – тизимнинг ривожланиш сурати ўсишининг, тизимнинг ўзгарувчи шароитларда мослашувининг асосини ташкил қилади.

Шу билан бирга жамият келгуси ҳаётини белгилаб олиши, ижтимоий тараққиёт даражасига мос келмайдиган тизимларни, институтларни бартараф этиши, жамиятнинг янги ҳолатини аниқлаши ва ривожланиш йўлларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Ушбу жараёнларнинг мезонлари бўлиб: ижтимоий институтлар самарадорлиги, ижтимоий гуруҳлар структураси ва инсон омилининг сифати хизмат қилади. “Илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва талабларига мувофиқ сезиларли равища мустаҳкамлаш” [1] вазифасининг белгиланганлиги, йўлаймизки, республикамиздаги ижтимоий институтлар самарадорлиги, ижтимоий гуруҳлар структураси ва инсон потенциали сифатининг ортишида муҳим омил бўлади.

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб номланган 2019 йилда ҳар бир раҳбардан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришда инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида қўйилди. Бундай вазифаларни амалга ошириш эса, «иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш

имконини яратади» [4,10]. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур йил ўз моҳиятига тизимли ёндашув тамойилига асосланади. Яъни, жамиятнинг барча соҳаларида, яъни ҳам иқтисодиёт, ҳам ижтимоий, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби соҳаларда тизимли исплоҳотлар олиб борилиши натижасида ижобий ўзгаришлар билан бирга барча соҳаларга инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Айниқса, “даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди” [5]. Бу эса, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун зарур шартшароитлар яратди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда рақамли иқтисодиёт муҳим аҳамият касб этади. 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиши вазифалари белгиланган [3, 10]. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсади қўйилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш бўйича исплоҳотлар 2020 йилдаги энг устувор йўналиш сифатида ҳам илгари сурилди. Бунга сабаб, рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши иш унумдорлиги ва компания рақобатбардошлигининг ортишига, янги иш ўринларини вужудга келтиради ҳамда қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизликни бартараф этади.

Дарҳақиқат, “рақамли иқтисодиёт (digital economy) – электрон бизнес, электрон коммерция ва рақамли технологияларга асосланган иқтисодиёт модели” [12,46] ҳисобланади. Кенг маънода рақамли иқтисодётни рақамли ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатларнинг янги тизими, деб тушуниш мумкин. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт иқтисодий муносабатлар виртуал маконда амал қилади, унинг асосий элементини эса интернет ташкил этади. Бундай иқтисодиётнинг асосий компонентларини электрон бизнес инфраструктураси; электрон бизнес; электрон савдо ташкил этади. Умуман олганда, рақамли

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

иқтисодётнинг ривожланиши кўп қиррали жараён бўлиб, инновацион ривожланишнинг асосини ташкил этмоқда. Чунки, рақамли иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, жумладан, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, илмий тадқиқот, фан, таълим, билимларни генерация қилиш, инсоннинг билиш жараёнларига ҳам катта таъсир ўтказмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бизни куршаб олган дунё тобора мураккаблашиб бормоқда. Республикаиздаги ижтимоий-иқтисодий боғланишлар, алоқалар чамбарчас

боғлиқ, уларни англаш, билиш, фаолият олиб бориш учун тизимли тафаккур, ёндашув зарур. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида, ер юзида содир бўлаётган экологик жараёнлар (иқлиминг исиши, чучук сувнинг камайиши, демографик масалалар, ижтимоий-иқтисодий каби муаммолар) таҳлили тизимли тафаккур, тизимли ёндашув асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Тизимли ёндашув кўзда тутилган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши жамиятимизнинг мураккаб тизим сифатида ривожланиши, янги мураккаб тизимга ўтишига имкон беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2018.
2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
6. Берталанфи Л. фон. Общая теория систем – обзор проблем и результатов. – В кн.: Системные исследования. – М., 1969.
7. Капри Ф. Паутинна жизни. Новое научное понимание живых систем. 2003. –С.10.
8. Кондильяк Э.Б. Трактат о системах, в которых вскрываются их недостатки и достоинства. – М.: Прогресс, 1938.
9. Лесков Л.В. Футуросинергетика –универсальная теория систем. – М.: Экономика, 2006. - С.20-21.
10. Ямашкин Ю.В., Новоцрещенова О.А. Системный подход к организации. – Мордов. гос. ун-т. - Саранск, 2016.
11. Гаффаров Г.Ф. Мураккаб тизимларга оид илмий ғоялар // FarDU. Ilmiy xabarlar – Научный вестник. ФерГУ, 2019 йил. 1-сони.
12. Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: «Университет», 2018.
13. Лисеев И.К., Садовский В.Н. Системный подход в современной науке. – М.: Прогресс-традиция, 2004.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).